

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

6-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

**ЭЛЕКТРОН СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР
БИЛАН ИШЛАШ, ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ
ИМЗОЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ЭЛЕКТРОН СТАТИСТИКА
ҲИСОБОТЛАРИНИ ЮБОРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ**

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботларини юбориш хизматларини кўрсатиш.

1.2. Хизмат натижалари

Давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш ва улар билан ишлаш.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 17 июлда 2479-сон билан рўйхатга олинган Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 24 июндаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган).

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ҳисобот топширувчи барча хўжалик субъектлари.

1.6. Сўров бериш муддати

Давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш муддатига мувофиқ. (Масалан: чорак учун – кичик корхоналар учун статистика ҳисоботини топшириш, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасидан кеч бўлмаган муддатда).

1.7. Бажариш муддати

Статистика ҳисоботини қайта ишлаш 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Статистика ҳисоботини қайта ишлаш тугатилгандан сўнг бир иш соати давомида.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

- **eStat 2.0** автоматлаштирилган ахборот тизими;
- **eStat 2.0** дан фойдаланувчи қўлланмаси;
- **eStat 2.0** билан ишлаш учун қўшимча дастурлар;
- Ҳисобот шаклларида электрон намуналари рўйхати.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Электрон ҳисоботлар ҳақида ахборотни Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Электрон ҳисобот” қисмидан олиш мумкин.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Ҳисоботнинг электрон шаклларини **eStat 2.0** дастури ёрдамида юклаб олиш мумкин. Дастурнинг ўзини www.stat.uz расмий сайтидан юклаб олиш мумкин.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;
Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Электрон кўринишдаги давлат статистика ҳисоботларини кўриб чиқиш 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатни ташкил этади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Белгиланган муддатларда жўнатилган, давлат статистика ҳисоботининг тўлдирилган электрон шаклдаги намунаси.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Фойдаланувчи Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Электрон ҳисобот” қисмига кириши лозим. Бу бўлимда қуйидаги маълумотларни олиш мумкин:

- **eStat 2.0** дастури;
- Фойдаланувчи қўлланмаси;
- **eStat 2.0** дастури билан ишлаш учун қўшимча дастурлар;
- Ҳисобот шаклларининг электрон намуналари рўйхати.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1) Электрон ҳисоботлар Давлат статистика қўмитасининг серверига келиб тушади.

2) Келиб тушган ҳисобот ўрнатилган тартибга мувофиқ арифметик ва мантиқий текширувдан ўтади.

3) Ҳисоботда номувофиқликлар мавжуд бўлган ҳолатда, ҳисобот қайтарилади. Тизим томонидан тўғрилانган статистика ҳисоботини тақдим этиш тўғрисида Кўрсатма шакллантирилади. Кўрсатма аниқланган номувофиқликлар, ҳамда тўғриланган статистика ҳисоботини топшириш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлади.

4) Номувофиқликлар мавжуд бўлмаган ҳолатда ҳисобот қабул қилинади. Ҳисобот қабул қилинганлиги тўғрисида, унинг қабул қилинган санаси кўрсатилган Маълумотнома шакллантирилади.

4.5. Рад этиш асослари

Тақдим этилган статистик маълумотларда статистика органи томонидан қоидабузилишларнинг аниқланиши.

Хизмат бўйича мурожаат қилган шахснинг ўз мухри ёки бошқа шахс номидан ҳаракат қилиш ваколатининг мавжуд бўлмаслиги.

Ҳужжатнинг ўрнатилган талабларга жавоб бермаслиги (реквизитларнинг кўрсатилмаганлиги, нотўғри тўлдирилганлиги).

Ҳисоботни учинчи шахс томонидан тақдим этилиши.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботларини юбориш хизматларини кўрсатиш






| | |
|---|---|
|  | Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган. |
|  | Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган. |
|  | Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи. |

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таъриффи

Электрон статистика ҳисоботларини қабул қилиш ва улар билан ишлаш, Интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзолардан фойдаланган ҳолда электрон статистика ҳисоботларини юбориш хизматларини кўрсатиш



| | |
|---|--|
|  | <p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p> |
|  | <p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.</p> |
|  | <p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.</p> |